



**Исроилдаги иш берувчиларни ўзгартеришни хоҳловчи ногиронларга қаровчи чет элликлар учун
махсус чекловлар ҳақида билдириш хати**

Қўйида ногиронларга қаровчи чет элликлар Исроилга келганидан кейин иш жойини ўзгартериши учун махсус шартларни белгиловчи Исроил норматив-хуқуқий ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар берилган. Ушбу шартлар Исроилдаги ногиронларга қаровчилар ногиронларни тўсатдан тарк этганда ёки улар мамлакатнинг марказий ҳудудларида иш излаш учун Исроилнинг чекка ҳудудларида яшовчи ногиронларни тарк этганда етказиладиган заарлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган.

Сиз Исроилга _____ минтақасида яшовчи, Исроил Идентификацион рақами _____ бўлган ногирон жаноб/хоним _____ га қараш учун таклиф қилингансиз. **Мазкур минтақа Сизга бериладиган ҳар қандай визага ва ишлаш учун рухсатномага киритилади (бундан бўён матнда: Сизнинг визангиз).**

Исроилга келганингиздан сўнг, Сиздан меҳнат шартномангизга мувофиқ юқорида кўрсатилган ногиронга қарашингиз кутилади. Бошқа ногиронга қараш учун иш жойини ўзгартеришга фақат янги иш жойи Исроилнинг лицензияланган бандлик агентлиги томонидан Исроилнинг миграция идораларида қонуний тарзда рўйхатга олинган бўлса ва қўйидаги махсус чекловларга риоя қилинсангина рухсат этилади:

A. Географик чекловлар:

4. Визаси "Периферик минтақа" билан рўйхатдан ўтказилган ногиронларга қаровчи чет элликка фақат **Исроилнинг чекка ҳудудларида, мамлакатнинг шимолида ва жанубида яшовчи** ногиронларга қараш учун рўйхатдан ўтишга рухсат берилади.
5. Визаси "Марказий минтақа" билан рўйхатдан ўтказилган ногиронларга қаровчи чет элликка **Тель-Авив минтақасида ишлаш учун рўйхатдан ўтишга рухсат этилмайди**, лекин у Исроилнинг бошқа марказий ҳудудларида, шунингдек, чекка ҳудудларда ишлаши мумкин.
6. Визаси "**Тель-Авив минтақаси**" билан рўйхатдан ўтказилган ногиронларга қаровчи чет эллик Исроилнинг исталган минтақасида ногиронларга қараш учун рўйхатдан ўтиши мумкин.

B. Иш жойини тез-тез ўзгартеришни назорат қилиш:

Агар ногиронларга қаровчи чет эллик Исроилдаги иш жойини икки йил ичида камида 3 марта ўзгартирса ва шу сабабли Миграция идораси ногиронларга қаровчини визасини суюистеъмол қилишда гумон қилса, у суриштирув ўтказилиши учун чақирилиши мумкин. Агар бу ходим визадан нотўғри фойдалангани аниqlанса, у иш белгиланган тартибда кўриб чиқилгандан кейин Исроилдан депортация қилиниши мумкин.

Ногироннинг кексалар уйига ёки руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштирилиши, ногироннинг вафоти, қаровчининг ишдан бўшатилиши ёки вақтинча бандликнинг тугатилиши муносабати билан иш жойини ўзгартериш юқорида кўрсатилган назорат мақсадлари учун иш жойини ўзгартериш ҳисобланмайди. Қаровчининг ишини давом эттиришини кутиш мумкин бўлмаган ҳолатлар туфайли иш жойини ўзгартериш, масалан, меҳнат шароитларининг сезиларли даражада ёмонлашиши ёки бузилиши, ёхуд иш жойида қаровчига шафқатсиз муносабатда бўлиш, визани суюистеъмол қилиш деб ҳисобланмайди.

C. Олдиндан ёзма огоҳлантириш:



Embassy of Israel
TASHKENT

3 Abdulla Kahhar str. Tashkent
Tel. (+998 78) 140 75 00
<http://embassies.gov.il/tashkent>



Қаровчи ногиронга қарашни тўхтатишдан олдин, ногиронга ёки унинг масъул қариндошига ва ишга жойлашиш учун масъул бўлган Истроил бандлик агентлигига олдиндан ёзма равиша огоҳлантириш беришга мажбур. **Қаровчи қуийдаги минимал огоҳлантириш муддати тугагунга қадар ўз ишини тарк эта олмайди:**

5. Агар қаровчи ногирон учун 7 кундан 3 ойгача бўлган вақт давомида ишлаган бўлса, у камида **7 кун** олдин ёзма равиша огоҳлантириши керак.
6. Агар қаровчи ногирон учун 4 ойдан 6 ойгача бўлган вақт давомида ишлаган бўлса, у камида **14 кун** олдин ёзма равиша огоҳлантириши керак.
7. Агар қаровчи ногирон учун 7 ойдан бир йилгача вақт давомида ишлаган бўлса, у камида **21 кун олдин** ёзма равиша огоҳлантириши керак.
8. Агар қаровчи ногирон учун бир йил ёки ундан кўпроқ вақт давомида ишлаган бўлса, у камида **бир ой** олдин ёзма равиша огоҳлантириши керак.

Агар қаровчига иш жойида шафқатсиз муносабат қилинганда ёки қаровчидан ўз ишини давом этиришни асосли равиша кутиш мумкин бўлмаган бошқа ҳолатларда, юқоридаги каби олдиндан огоҳлантириш мажбурияти қўлланилмайди.

Агар Истроил миграция идоралари қаровчининг даъволарини эшитгандан сўнг қаровчи юқоридаги чекловларга риоя қилмаган деб топса, у Истроилдан депортация қилиниши мумкин.

Ариза берувчининг декларацияси

Исми, фамилияси: _____ Паспорт Минтаقا ва рақами.

Қаров сўраган ногироннинг минтақаси: _____

1. Ушбу декларация менинг Истроилда номи юқорида зикр этилган ногиронга қаровчи чет эллик сифатида ишлашга рұксат берувчи виза олиш учун аризамга тааллуқлидир.
2. Ушбу билан мен визамда кўрсатиладиган, номи юқорида зикр этилган ногироннинг яшаш минтақаси, шунингдек, Истроилда иш жойини ҳар қандай ўзгартиришга оид географик чекловлар, Истроилда иш жойини ўзгартиришга доир маҳсус назорат, ногирон учун ишлашни тўхтатишдан олдин ёзма равиша огоҳлантириш бериш мажбурияти тўғрисидаги маълумотларни ўзим тушунадиган тилда ўқиганимни билдираман ва мен юқоридаги чекловларга риоя қилишга розиман.
3. Юқоридаги чекловлардан бирортасини бузганим аниқланган тақдирда, ишни белгиланган тартибда кўришдан кейин Истроилдан депортация қилинишим мумкинлигини тушунаман.
4. Мен юқоридагининг нусхасини олганимни ва қўшимча маълумотни www.piba.gov.il. веб-сайтида топиш мүмкинлиги ҳақида маълумот олганимни тасдиқлайман.

Ушбу билан мен юқоридаги ариза берувчи мазкур ҳужжатни бугун менинг ҳузуримда имзолаганлигини тасдиқлайман.

Сана: _____

Ходим имзоси: _____



Embassy of Israel
TASHKENT

3 Abdulla Kahhar str. Tashkent
Tel. (+998 78) 140 75 00
<http://embassies.gov.il/tashkent>